


Анорга шакл бериш



Анор тупига шакл беришнинг схематик тасвири



Анор тупига кўп танали шакл бериш
(Хоразм вил., Хонқа тум.)



Анор тупига битта танали шакл бериш
(Қорақалпоғистон Респ., Тўртқўл тум.)



Анор тупларига совуқ ургандан сўнг шакл бериш
(Фаргона вил., Қува тум., Мустақиллик шаҳ.)



Анор новдаларини буташ жараёни



Анор тупларига уч танали усулда шакл бериш
(Сурхондарё вил., Сарисийё тум., Дашнобод қиш.)

Анор тупларига тўғри шакл бериш уларнинг ҳосилга киришини тезлаштиради, ҳосилдорлигини юқори даражага етказишда ҳамда боғ қатор ораларига механизация ёрдамида ишлов беришга имкон яратади.

Анор кўчати экилганидан кейин биринчи йилдан бошлаб 30-40 см баландликда 4-5 та асосий шох қолдириб, паст бўйли дарахт кўринишида ёки 3-4 асосий шох қолдириб, бутасимон шакл бериледи. Ўсиш ва ривожланиш даврида эса кўчатлар 2-3 мартадан чопиқ қилинади ва илдиз бўғзи атрофидаги илдизлари олиб ташланади. Иккинчи йилдан бошлаб эса 3-4 та шохлаган туп шаклида 40-60 см баландликда биринчи тартиб шохлари жойлаштирилади. Кейинги йилларда иккинчи ва қолган тартибда ҳар бир тупда жойлаштирилиб борилади. Ҳар йили қуриган, нимжон ривожланган, эскирган ўзак новдалар кесиб турилади, қатор оралари юмшатилади, бегона ўтлардан тозаланади, озиклантрилади.

Анор тупларининг ёши ўтиб борган сари айрим шохлари ва танаси қарий бошлайди, бунда шохлар тана билан илдиз бўғзи атрофидан чиққан ёш новдалар билан ҳар 3-4 йилда алмаштириб борилади. Ҳар йили қуриган, синган ва чалкашиб кетган шохлар олиб ташланади. Ҳосилнинг 70% учинчи ва бешинчи тартибда жойлашган шохларда шаклланади.

Уч танали қилиб ўстирилган ҳар бир анор тупи учун агротехник тадбирларини ўтказиш юқори ҳосил олиш, уларга кимёвий препаратлар билан ишлов бериш, суғориш ва бошқа олиб бориладиган тадбирлар учун қулайдир.

Анор туплари кўмилмасдан совуқдан қаттиқ зарарланса, уларни ер устки қисми кесиб ташланади. Натижада, унинг қайта тикланиши учун эса 3-4 йил вақт керак бўлади. Шунинг учун кўп жойларда анор кўчатларини қишқи совуқдан сақлаш учун кузда меваси териб олингандан сўнг, бир томонга қия қилиб ётқизиблиб, махсус машиналар ёрдамида кўмилади ва эрта баҳорда қуртак ёзилгунга қадар очилади. Бу анордан ҳар йили бир меъёрда ҳосил олиш учун қулайдир.

Лойиҳа Миллий Агентлиги: Академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти
Манзил: 111116, Тошкент вилояти, Тошкент тумани, Гулистон қишлоғи, Чимкент йўли кўчаси
Телефон: (+99871) 220-24-42, (+99871) 220-26-82; **Факс:** (+99871) 220-26-48
Электрон почта: buviti@mail.ru, meva-uzum@exat.uz
Тузувчилар: Х.Ч.Бўриев, Ш.М.Ахмедов, П.Т.Назаров. А.Қ.Қайимов умумий тахрири остида.